DEHQONOBOD TUMANI HOKIMINING
Q A R O R I

2017 йил "26" январь **Х-53/01 - сонли** **Дехконобод тумани**

Туманда 2017 йилда транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 1-2-сон, 17-модда) билан тасдиқланган "Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низоми ижросини таъминлаш мақсадида "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ахборотномаси 1993 йил 9-сон 320-модда)нинг 6-моддасига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Туман ҳудудида жойлашган барча юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган транспорт воситалари мажбурий техник кўрикдан ўтказилсин.

2. Мажбурий техник кўрикдан ўтказиш бўйича туман комиссиясининг таркиби 1-иловага, техник кўрикдан ўтказиш жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Транспорт воситалари қўйидаги даврийликка мувофиқ техник кўрикдан ўтказилсин:

тижорат асосида йўловчилар ташиш учун фойдаланиладиган енгил автомобиллар, автобуслар ва ўтириладиган жойлар сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган, одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ва уларга тиркамалар - бир йилда икки марта;

ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан кўп бўлмаган транспорт воситалари (мазкур банднинг иккинчи хатбошида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) - икки йилда бир марта;

ишлаб чиқарилган йилини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан ортиқ бўлган транспорт воситалари, шунингдек ишлаб чиқарилган вақти аниқланмаган транспорт воситалари (мазкур банднинг иккинчи хатбошида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) - бир йилда бир марта;

тиркамалар кўрикка транспорт воситаси- шатакчи учун белгиланган муддатларда;

4. Қарорнинг 3-банди иккинчи хат бошида кўрсатилган транспорт воситаларининг техник кўриги:

биринчи марта- 1 март- 30 июнда;

иккинчи марта- 1 сентябрь- 31 октябрда ўтказилади.

юридик шахсларга тегишли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 1 март - 30 июнда ўтказилади.

жисмоний шахсларга тегишли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 1 январь - 31 августда ўтказилсин.

5. Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш туман комиссияси раҳбарига:

транспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш нормалари ва қоидаларига риоя этилиши устидан самарали назоратни ташкил этиш;

транспорт воситаларининг техник ҳолати ва ускуналари йўл ҳаракати хавфсизлиги стандартлари, қоидалари, нормаларига мувофиқлигини баҳолаш юклатилсин.

6. Тумандаги барча транспорт воситалари эгалари бўлган юридик ва жисмоний шахсларга транспорт воситаларини техник паспорти билан биргаликда техник кўрикдан ўтказилишини, уларнинг техник жиҳатдан созлигини ва ўз вақтида режа жадвал асосида кўрикдан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сон “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори 3-бандига кўра Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг ички ва соқчилик қўшинлари, Миллий хавфсизлик хизматининг ҳарбий бўлинмалари

транспорт воситалари кўрсатиб ўтилган идоралар томонидан белгиланган тартибда мажбурий техник кўрикдан ўтказилиши инобатга олинсин.

8. Транспорт воситалари техник кўрикдан ўтказилганлиги учун Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сон қарори билан тасдикланган "Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги низомга мувофик йиғим ундирилсин.

9. Дехконобод туман хокимининг 2016 йил 04 февралдаги Х-72/02-сонли карори "Туманда 2017 йилда автомототранспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида"ги карори лойихаси тасдикланиб расман эълон килинган кундан бошлаб ўз кучини йўкотган деб хисоблансин.

10. Мазкур карор ижросини назорат килиш туман хокими биринчи ўринбосари С.Самадов зиммасига юклатилсин.

11. Мазкур карор расман эълон килинган кундан эътиборан кучга киради.

Дехконобод туман хокими **З.Аликулов.**

Туман ҳокимининг 2017 йил
“ 26 ” январдаги Х-53/01-сонли
қарорига 1-илова

Деҳқонобод тумани ҳудудида 2017 йил автомототранспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш комиссияси

Т А Р К И Б И

Б.Назаров	туман ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги гуруҳи, автомототранспорт воситаларининг техник ҳолати ва улардан фойдаланишни назорат этиш гуруҳи катта инспектори вазифасини бажарувчи комиссия раиси

А Ъ З О Л А Р И

З.Бўтаев	туман “Табиатни мухофаза қилиш” инспекцияси бошлиғи
Ж. Сафаров	туман “Ватанпарвар” ташкилоти раиси
А.Дўстов	Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агетлиги ҳудудий бўлинмаси ходими
Ш.Жўраев	туман мудофаа ишлар бўлими ходими
Х.Омонтурдиев	“ЎЗАГРОСУҒУРТА” ДАСК (АЖ) менижери
Р.Мусурмонқулов	туман ИИБ ЙҲХГ жамоатчилик вакили

Туман ҳокимининг 2017 йил
“ 26 ” январдаги Х-53/01-сонли
қарорига 2-илова

Деҳқонобод туманида мавжуд бўлган ташкилот, корхона ва автохўжаликларга тегишли автомотранспорт воситаларининг 2017 йилги мажбурий техник кўрикдан ўтказиш

Ж А Д В А Л И

№	Автохўжалик ва ташкилотлар номи	Жойлашган манзили	Кўрикдан ўтадиган куни	Вақти	Кўрикдан утадиган жойи	Транспорт воситаси сони
1	Туман ветернария бўлими	Қарашина шахарчаси	02.03.2017 йил	09-00	“Истиқлол” хусусий фирмаси автосаройи	3
2	“Калийли ўғитлар” заводи	Бешбулоқ қишлоғи	06.03.2017 йил	09-00	Калийли ўғитлар заводи автосаройи	47
3	“Истиқлол” ва “Шодлик” х/ф.лар	Қарашина шахарчаси	08.03.2017 йил	09-00	“Истиқлол” хусусий фирмаси автосаройи	23
4	“Аббос” х/ф.	Қарашина шахарчаси	09.03.2017 йил	09-00		1
5	Урмон хужалиги	Қарашина шахарчаси	10.03.2017 йил	09-00		6
6	Туман ИХТПТФК	Қарашина шахарчаси	13.03.2017 йил	09-00		6
7	Туман “электр тармоқлари”	Қарашина шахарчаси	17.03.2017 йил	09-00		7
8	Enter Enijeering PTE L.T.Д.	Гумбулоқ қишлоғи	20-21-22. 03.2017 йил	09-00	Enter Enijeering PTE L.T.Д. автосаройи	441
9	ДСЭНМ	Қарашина шахарчаси	03.04.2017 йил	09-00	.“Истиқлол” хусусий фирмаси автосаройи	3
10	Туман “Тиббиёт бирлашмаси”	Қарашина шахарчаси	05.04.2017 йил	09-00		27
11	“Ватанпарвар” МКТ	Қарашина шахарчаси	07.04.2017 йил	09-00		15
12	“Абдираимота” х/ф.	Қарашина шахарчаси	10.04.2017 йил	09-00		4
13	“Коинот-транс” МЧЖ	Қарашина қишлоғи	12.04.2017 йил	09-00		13
14	“Долчин” М.Ч.Ж.	Оққишлоқ	14.04.2017 йил	09-00	“Долчин” автосаройи	7
15	“Пайвандлаш” х/к	Қарашина	17.04.2017	09-00	“Истиқлол”	6

		шахарчаси	йил		хусусий	
16	“Қунғироттранс йўловчи” М.Ч.Ж.	Қарашина шахарчаси	19.04.2017 йил	09-00	фирмаси автосаройи	1
17	“Улуғбек” х/ф.	Қарашина шахарчаси	21.04.2017 йил	09-00		5
18	“Қарашина техносервис” х/х	Қарашина шахарчаси	24.04.2017 йил	09-00	Қарашина техносервис х/к.да	4
19	“Абдурахманов Ахрорбек” х/ф.	Қарашина шахарчаси	01.05.2017 йил	09-00	“Истиқлол” хусусий	3
20	“Коинотгазплюс” М.Ч.Ж.	Қарашина шахарчаси	03.05.2017 йил	09-00	фирмаси автосаройи	1
21	“Рухшонабонучирой” х/ф	Навобод қишлоғи	05.05.2017 йил	09-00		2
22	“Қишлоқ ва сув” хужалиги	Қарашина шахарчаси	08.05.2017 йил	09-00		1
23	“Диамонд” камфорт сервис ИТК х/к.	Қарашина шахарчаси	12.05.2017 йил	09-00		1
24	“Файзулло ота” ф/х.	Қарашина шахарчаси	15.05.2017 йил	09-00		1
25	“Шодлик” х/к	Қарашина шахарчаси	17.05.2017 йил	09-00		1
26	“ZEBUNSO” хусусий савдо дукони	Бибиқорасоч қишлоғи	22.05.2017 йил	09-00		2
27	“Мусурмонқулова Садоқат Рўзимуродовна” х/к	Қум қишлоғи	24.05.2017 йил	09-00		1
28	“Тумандаги фермер” хужаликлари	Қаршина шахарчаси	01-02-03. 06.2017 йил	09-00		150

ЖАДВАЛИ ТУЗДИ:

Деҳқонобод туман ИИБ ЙҲХГ
катта инспектори в/б. капитан:- Б.Назаров.

Эслатма: Тумандаги шахсий транспорт воситалари байрам ва дам олиш кунларидан ташқари ҳар куни соат 09-00 дан 17-00 гача Деҳқонобод туман Пахтчи М.Ф.Й. ЙҲХГ маскани биносида ўтказилади.